

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2012 йил 12 сентябрь, № 179 (5599) Чоршанба


## ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга 11 сентябрь куни Оқсаройда Қирғиз Республикаси, Туркманистон, Руминия ҳамда Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигининг мамлакатимиздаги янги Фавқулодда ва мухтор элчилари этиб тайинланган — Эмилбек Узакбаев, Шири Шириев, Ромео Станчу ва Жорж Эдгар ишонч ёрлиқларини топширди.**

Давлатимиз раҳбари дипломатик ваколатхоналар раҳбарларини қутлар экан, Ўзбекистон мазкур мамлакатлар билан ўзаро муносабатларни изчил ривожлантиришга муҳим эътибор беришини таъкидлади, масъулиятли ва шарафли миссиясини бажаришда элчиларга муваффақиятлар тилади.

Қирғизистон элчиси билан суҳбат чоғида бугунги кунда икки давлат ўртасидаги муносабатлар халқларимизнинг ҳамкорликдаги кўп асрлик дўстлик тажрибаси, тарихий ва маданий муштараклиги пойдеворига қурилиши ва ривожланиши мумкин ва зарур экани таъкидланди.

Қирғизистон элчиси Ўзбекистон — Қирғизистон алоқаларини ўзаро ҳурмат асосида конструктив ривожлантириш йўлида хизмат қилишни ўзининг асосий вазифаси деб билишини қайд этди.

Ўзбек ва туркман халқларининг тақдири умумий тарих ва маданият орқали чамбарчас боғланган. Ўзбекистонда Туркманистонга ҳамкорликнинг барча йўналишлари фаол мустаҳкамланиб бораётган яқин қўшни ва ишончли ҳамкор сифатида қаралади.

Мунтазам равишдаги олий даражадаги мулоқотлар давлатлараро алоқаларнинг изчил ривожи учун муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми ортиб, транспорт ва транзит соҳасидаги ҳамкорлик кенгаймоқда, икки мамлакат халқлари ўртасида маданий-гуманитар алоқалар фаоллашмоқда.

Элчи Шири Шириев бор куч-ғайрати ва дипломатик тажрибасини икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни янада равнақ топтиришга, давлатлараро битимлар ва эришилган келишувларни амалиётга татбиқ этишга йўналтиришини таъкидлади.

Ўзбекистонда Руминияга Жануби-Шарқий Европадаги муҳим ва истиқболли ҳамкорлардан бири сифатида қаралади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 1996 йилда Румынияга ташрифи чоғида икки томонлама муносабатларга мустаҳкам пойдевор қўйилиб, ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари белгилаб олинган.

Учрашувда томонларни қизиқтирган барча йўналишларда Ўзбекистон — Румыния алоқаларига янги суръат бағишлаш, ҳамкорликнинг икки томонлама институт ва механизмлари ишини фаоллаштириш, икки мамлакат ишбилармон доираларининг мулоқоти ва қўшма лойиҳаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш борасида манфаатлар муштарак экани қайд этилди.

Элчи Ромео Станчу Ўзбекистондаги миссиясини мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги анъанавий алоқаларни янада кенгайтириш учун имконият деб билишини таъкидлади. Унинг фикрича, бугунги кунда бунинг учун барча имкониятлар мавжуд.

Барча соҳаларда ҳамкорликни изчил ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон — Буюк Британия мулоқотининг асосини ўзаро англашув, конструктив ёндашувлар, замонавий таҳдидларни теран идрок этиш ташкил қилади.

Суҳбат чоғида ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар билан сиёсат ва хавфсизлик борасидаги икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий, сармоявий, маданий-гуманитар соҳаларда, мамлакатларимизнинг фуқаролик жамияти вакиллари ўртасида ҳамкорликни кенгайтириш учун зарур шарт-шароит яратилгани таъкидланди.

Учрашувда томонларни қизиқтирган халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Жорж Эдгар Буюк Британия раҳбарияти Ўзбекистон билан муносабатларни узоқ муддатли ва ўзаро манфаатли асосда изчил ривожлантириш тарафдори эканини қайд этиб, ўзи ушбу вазифани бажариш учун бор куч-ғайратини сарфлашга тайёрлигини билдирди.

**(ЎзА).**

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

## «Мардлик» орденини таъсис этиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2012 йил 8 августда қабул қилинган
Сенат томонидан 2012 йил 30 августда маъқулланган

**1-модда.** «Мардлик» ордени таъсис этилсин.

**2-модда.** «Мардлик» ордени тўғрисидаги низом тасдиқлансин (илова қилинади).

**3-модда.** «Мардлик» орденининг тавсифи тасдиқлансин (илова қилинади).

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 22 декабрда қабул қилинган **«Давлат мукофотлари тўғрисида»**ги 176–I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 266-модда; 1996 йил, № 5–6, 63-модда, № 9, 120-модда; 1998 йил, № 9, 163-модда; 2000 йил, № 7–8, 202-модда; 2003 йил, № 9–10, 140, 149-моддалар; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 250-модда; 2008 йил, № 4, 193-модда) **11-моддаси** қуйидаги мазмундаги **хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Мардлик» ордени».

**5-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2012 йил 11 сентябрь
№ ЎРҚ—332

2012 йил 11 сентябрдаги
ЎРҚ–332-сонли
Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан
ТАСДИҚЛАНГАН

## «Мардлик» ордени тўғрисидаги НИЗОМ

1. «Мардлик» ордени билан ўзини Ватанни ҳимоя қилишга ва Она юрт хизматига бағишлаган, бунда мардлик ҳамда жасорат кўрсатган Ўзбекистон Республикаси ҳарбий хизматчилари ва бошқа фуқаролари мукофотланади.

Алоҳида ҳолларда «Мардлик» ордени билан Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам мукофотланиши мумкин.

2. «Мардлик» ордени билан Ўзбекистон Республикасининг Президенти мукофотлайди. Мукофотлаш тўғрисидаги фармон матбуотда ва бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

3. «Мардлик» ордени билан мукофотлашга тақдим этиш, мукофотлаш, шунингдек уни топшириш «Давлат мукофотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

4. «Мардлик» ордени билан мукофотланган шахслар энг кам иш ҳақининг ўн беш баравари миқдорида бир йўла бериладиган пул мукофоти оладилар ва қонун ҳужжатларида белгилаб қўйиладиган имтиёзлардан фойдаланадилар.

5. «Мардлик» ордени кўкракнинг чап томонига тақилади.

6. «Мардлик» ордени билан вафотидан кейин мукофотланган тақдирда, орден, мукофотлаш тўғрисидаги ҳужжат ва бир йўла бериладиган пул мукофоти мукофотланганнинг оиласига топширилади.

2012 йил 11 сентябрдаги
ЎРҚ–332-сонли
Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан
ТАСДИҚЛАНГАН

## «Мардлик» орденининг ТАВСИФИ




«Мардлик» ордени 1 микрон қалинликда олтин қопланган мис қотишмасидан тайёрланади. Орденнинг баландлиги 50 миллиметр, эни 41 миллиметр, қалинлиги 4,5 миллиметр.

Орден нишони йиғма, унинг асоси тилла ранг нақшинкор парчинлари бўлган кўк эмаль ҳошияли шаклдор геральдик қалқон кўринишида бўлиб, унга Ўзбекистон Республикасининг бирлиги рамзи бўлган қавариқ саккиз қиррали юлдуз бириктирилади. Юлдуз қирралари тарам-тарам бўлиб таралаётган заррин овалсимон нурлар кўринишида бажарилган. Юлдузнинг қарама-қарши қирралари оралиғи 45 миллиметр.

Саккиз қиррали юлдузга нақшинкор парчинлари бўлган, қавариқ, қадимий услубда акс эттирилган думалоқ шарқона қалқон кўринишидаги диаметри 30 миллиметрли қоплама медальон бириктирилади. Қалқоннинг ҳар иккала ён томони ғалаба, шон-шуҳрат ва мукофот рамзи бўлган қавариқ, тилла рангли дафна япроқларидан гулчамбар кўринишида ҳошияланган. Гулчамбардан пастда тилла ранг гардишли, оқ эмалли лента кўринишида акс эттирилган фонга «MARDLIK» ордени номи жойлаштирилган. Ёзув бўртма бош ҳарфлар билан тўқ қизил эмалда бажарилган. Шрифти «MILLENIUM BdExBT», кегли 20.

Шарқона қалқондан юқорида мовий рангда эмалланган олтин ҳалланган ярим ой ва юлдузли мусамман — Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг муқаддас рамзлари тасвирланган. Мусамман ёнларида саккиз қиррали юлдуз фонида миллий ор-номус ва қадр-қиммат, Она юртни ҳимоя қилишга шайлик рамзи бўлган, ўзаро кўндаланг кесишган иккита қадимий шарқона қилич эфеси (даста беламаги), қуйи томонда эса, уларнинг узун қайрилма тиғларининг учлари қавариқли тасвирланган.

Орден нишони композициясини дала формали кийимдаги аскарнинг — Ватан ҳимоячисининг ҳаёт сарчашмаси ифодаси бўлган асосий рамзий белги — чор атрофга таралаётган заррин қуёш нурлари акс этган оқ рангли эмаль фонидаги қалқон марказида жойлашган бўртма, кўкракдан юқори қисмининг ярим ён томонлама олинган тасвири якунлайди.

Орденнинг орқа томонида диаметри 22 миллиметрли Ўзбекистон Республикаси Давлат герби қавариқли тасвирланган. Пастки қисмида орденнинг рақами 2 миллиметр ўлчамдаги зарб қилинган шрифт билан ёзилган.

Орден тўрт хил рангдаги йўллари бўлган муҳайяр лента билан сирилган беш қиррали қадағичга илмоқча ва ҳалқача ёрдамида уланади. Лентанинг эни 24 миллиметр. Лента марказидан эни 8 миллиметрли оқ йўл ўтган. Унинг ҳар иккала тарафидан эни 3 миллиметрли яшил йўллар жой олган. Ундан кейин эни 4 миллиметрли мовий йўллар туширилган. Лентанинг чеккалари эни 1 миллиметрли қизил йўллар билан ҳошияланган. Қадағичнинг баландлиги 48 миллиметр, эни 46 миллиметр.

Қадағичнинг орқа томонида орденни кийимга тақиб қўйиш учун тўғноғич кўринишидаги мослама мавжуд.

Анжуман

*Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда Жаҳон банки ҳамкорлигида “Тижорат банкларида молиявий ҳисоботлар ва аудитни халқаро стандартлар асосида янада такомиллаштириш” мавзуида амалий семинар ташкил этилди.*

## Банк тизимининг такомиллаштирилиши

### хизматлар сифатининг янада яхшиланишини кафолатлайди

Унда Молия вазирлиги, Ўзбекистон Бухгалтерлари ва аудиторлари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон Аудиторлар палатаси мутасаддилари, тижорат банклари мутахассислари қатнашди.

Таъкидланганидек, бугунги кунда мамлакатимизда банк-молия тизимини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор туфайли улар томонидан кўрсатилаётган хизматлар ҳам сифат жиҳатидан яхшиланиб бормоқда.

(Давоми 2-бетда).

## «Ўзбекистоннинг барқарор тараққиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибор муҳим ўрин тутади»



*“Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти” мавзуидаги халқаро конференцияда иштирок этиш мақсадида юртимизга нуфузли халқаро ташкилотлар ҳамда молия муассасалари раҳбарлари, ўнлаб мамлакатлардан давлат ва жамоат арбоблари, ишбилармонлар, олимлар ҳамда экспертлар ташриф буюрди. “Халқ сўзи” мухбири уларнинг айримлари билан суҳбатда бўлди.*

Эътироф

**Антонио ОРТЕГА, “Grupo MOS” компанияси президенти (Испания):**

— Аввало, халқаро конференция баҳонасида Ўзбекистондек гўзал ва бетакрор юртга яна бир бор ташриф буюриб, унинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида юз бераётган ўзгаришлар, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш йўлида ҳаётга татбиқ этилаётган ислоҳот ҳамда янгиликлардан яқиндан хабардор бўлиш имконияти туғилганидан беҳад мамнунлигимни изҳор қилмоқчиман.

Анжуман мавзуси ниҳоятда долзарб, иштирокчилар сони, географияси, тадбир доирасидан ўрин олган дастурлар қамрови ҳам жуда кенг. Бу ўзаро тажриба алмашиш, ҳамкорликни йўлга қўйиш ва истиқболда самарали лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш учун қулай фурсатдир.

Биласиз, дунёда иқтисодиётни ривожлантиришнинг жуда кўп усуллари мавжуд. Лекин улар орасида энг самаралиси ва мақбули, бу — кичик бизнес равнақи учун кенг йўл очиб беришдир. Ушбу соҳани қўллаб-қувватламай туриб, иқтисодий ўсишга эришган, ишсизлик муаммосини ижобий ҳал қилган, аҳоли даромадлари ва фаровонлигини оширишга муваффақ бўлган бирор бир давлат йўқ. Қайси бир тараққий этган мамлакат тажрибасига эътибор қаратманг, айнан тадбиркорлик соҳаси улар иқтисодиётида муҳим ўрин тутаётганига гувоҳ бўласиз.

(Давоми 2-бетда).

## Технологик янгиланишнинг беқиёс самараси

*Мамлакатимиз истиқлол йилларида изчил ва барқарор ривожланиш йўлига чиқиб олди. Ялпи ички маҳсулот ҳажми тобора ўсиб, иқтисодиёт тармоқларида ижобий ўзгаришлар кузатилаётгани, пировардида аҳолининг ҳаёт даражаси юксалиб бораётгани шундан далолат беради.*

Юксалиш



Ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизда қўлга киритилаётган шу каби ютуқлар замирида Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилаётган эътибор мужассам, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Дарҳақиқат, юртимизда иқтисодиётнинг мазкур муҳим тармоғи мавқеини мустаҳкамлаш мақсадида тадбиркорларга янада кўпроқ эркинлик бериш, қўшимча имтиёз ва преференциялар қўллаш, молия, солиқ ва статистика идораларига ҳисобот топшириш механизмини такомиллаштириш бўйича амалий чора-тадбирлар кўрилмоқда. Натижада тизимнинг жозибадорлиги ошиб, барча соҳаларда таянч кучга айланмоқда. Республикамизда 2012 йилнинг биринчи ярмида 32 номдаги янги дори воситалари ишлаб чиқариш ўзлаштирилишида ҳам, айтиш мумкинки, унинг улуши катта бўлди. Чунки айни пайтда фармацевтика тармоғида кўплаб кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолият юритмоқда. Пойтахтимиздаги “Radiks” хусусий илмий-ишлаб чиқариш корхонаси — шулардан бири.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

## Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик учун жавобгарлик жорий этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2012 йил 12 июлда қабул қилинган
Сенат томонидан 2012 йил 30 августда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда) қуйидаги мазмундаги **206[1]-модда** билан тўлдирилсин:

(Давоми 2-бетда).

# Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

# Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик учун жавобгарлик жорий этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

«**$206^{1}$-модда. Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашиш**

Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашиш, яъни қонун ҳужжатларига мувофиқ ваколатлар берилмаган мансабдор шахс ёхуд бошқа шахс томонидан ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини қасддан текшириш ташаббуси билан чиқиш ва (ёки) текширишлар ўтказиш, ушбу субъектларнинг фаолиятини ва (ёки) банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган ҳолларда бундай шахс томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисобварақларида пул маблағлари бор-йўқлиги ҳақида ахборот талаб қилиб олиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг бир юз эллик бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;

б) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;

б) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб;

в) масъул мансабдор шахс томонидан содир этилган бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг беш юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) қуйидаги мазмундаги **$241^{2}$-модда** билан тўлдирилсин:

«**$241^{2}$-модда. Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашиш**

Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашиш, яъни қонун ҳужжатларига мувофиқ ваколатлар берилмаган мансабдор шахс ёхуд бошқа шахс томонидан ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини қасддан текшириш ташаббуси билан чиқиш ва (ёки) текширишлар ўтказиш, ушбу субъектларнинг фаолиятини ва (ёки) банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган ҳолларда бундай шахс томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисобварақларида пул маблағлари бор-йўқлиги ҳақида ахборот талаб қилиб олиш, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса ўн беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

2) **245-модданинг биринчи қисми** «$241^{1}$» рақамидан кейин «$241^{2}$» рақами билан тўлдирилсин.

**3-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2012 йил 11 сентябрь
№ ЎРҚ—333

# «Ўзбекистоннинг барқарор тараққиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибор муҳим ўрин тутади»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистонда ҳам мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ Президент Ислом Каримов бошчилигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланиб, бизнес вакиллари учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилаётганидан хабардорман. Масалан, тадбиркорларингиз қатор солиқ имтиёзларидан баҳраманд, банклар эса уларнинг лойиҳаларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга доим тайёр. Мана шу икки жиҳатнинг ўзи жуда кўп нарсани англатади.

Мамлакатингизда саноатнинг турли йўналишларини ривожлантириш учун имкониятлар жуда кенг. Масалан, биз ўзбекистонлик ишбилармонлар билан Навоий вилоятида мармар ишлаб чиқаришни ривожлантириш борасида изчил ҳамкорликни йўлга қўймоқчимиз. Хорижий инвесторлар учун яратилган қулай ишбилармонлик муҳити ва юксак салоҳиятли кадрларнинг мавжудлиги Ўзбекистон бозорига қизиқишимизни оширмоқда.

Халқаро конференция давомида яна янгидан-янги ғоялар ҳам туғилади, деган умиддамиз.

**Вилли ОЕТИНГ,
Ганновер кичик ва хусусий бизнес ассоциацияси раиси ўринбосари (Германия):**

— Ўзбекистонга иккинчи бор келишим. Йил сайин ривожланиб, янгидан-янги марраларни қўлга киритаётган, дунё миқёсида юксак обрў-эътиборга эга бўлган бу юрт вакилларининг самимий муносабати, очиқ чеҳраси, меҳмондўстлиги аввалги сафарим чоғидаёқ мени ўзига мафтун этганди.

Конференциянинг бошланишини сабрсизлик билан кутаяпман. Унда қилинадиган маърузалар орқали Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган ва дунёда алоҳида эътироф этилаётган “ўзбек модели”нинг мазмун-моҳияти, аҳамияти ҳақида чуқурроқ маълумотга эга бўлмоқчиман. Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакиллари фаолияти билан яқиндан танишиб, имкон туғилса, ҳамкорликни йўлга қўймоқчиман.

Анжуман дастурида тарихий шаҳарларингизга сафар уюштириш ҳам режалаштирилганини кўриб, жуда қувондим. Шу баҳона буюк ўтмишингиз ҳақида ёрқин таассуротлар олиш имконига эга бўламиз.

**Ральф ВИННИ,
“Eurasian Business Coalition” уюшмаси вице-президенти (АҚШ):**

— Кейинги пайтда чет эллик инвесторларнинг Ўзбекистонга бўлган қизиқиши тобора ошиб бораяпти. Табиийки, бунинг бир неча сабаблари бор. Энг аввало, мамлакатингизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар юксак натижалар бериб, глобал молиявий-иқтисодий инқироздан деярли талафотларсиз чиқиб олинди. Айни пайтда инқироздан кейинги даврда барқарор ривожланиш бўйича пухта ишлаб чиқилган дастурлар изчил амалга оширилаётир. Буларнинг барчаси иқтисодиётнинг ҳамма соҳаларида юқори ўсиш суръатларини таъминлаяпти. Масалан, 2012 йилнинг биринчи ярмида юртингизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8,1 фоизни ташкил этибди. Бу жаҳоннинг айрим давлатлари молиявий бўҳрон таъсиридан ҳали-ҳамон халос бўлолмаётган ҳозирги мураккаб шароитда кўпчиликнинг ҳавасини келтираётгани, айни ҳақиқат.

Шу билан бирга, Ўзбекистонда хорижлик сармоядорлар учун қулай бизнес муҳити, имтиёз ва енгилликлар жорий қилинмоқдаки, натижада ҳамкорликда кўплаб истиқболли лойиҳаларга қўл урилмоқда. Хусусан, АҚШлик инвесторлар ҳам юртингизга инвестиция киритиш, биргаликда янги корхоналарга асос солишдан манфаатдор. Бу Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти юқори ва ишончли ҳамкор эканлигининг амалдаги исботидир.

Тошкентда ўтказилаётган “Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти” мавзуидаги халқаро конференция республика иқтисодиётида ҳал қилувчи кучга айланган кичик бизнес фаолияти билан яқиндан танишиш, илғор тажрибаларни ўрганиш учун қулай фурсатдир. Ишончим комилки, бу юртингиз ишбилармонлари билан ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилади.

Мазкур нуфузли тадбирга пухта тайёргарлик кўрилгани билиниб турибди. Бу анжуманнинг кутилганидек юқори савияда ўтишидан ёрқин далолатдир.

**Аман АГАРВАЛ,
Ҳиндистон молия институти директори:**

— Ҳар қандай фирма ёки компания бирор бир давлатга сармоя киритишдан аввал, табиийки, у ердаги ижтимоий-иқтисодий шароит, инвесторлар учун яратилган муҳит билан қизиқади. Дунё миқёсида обрў-эътиборга, нуфузга эга бўлган бизнес вакилларининг Ўзбекистонда йирик лойиҳаларни амалга оширишга иштиёқи, интилиши кучлилиги бу ердаги тинчлик ва осойишталик, иқтисодий барқарорлик билан боғлиқ, деб ўйлайман. Айтайлик, охирги йилларда мамлакатингиз иқтисодиётини ривожлантириш борасида қўлга киритилган натижалар Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ва бошқа нуфузли халқаро молия ташкилотлари томонидан юксак баҳоланмоқда. Кейинги беш йилда Ўзбекистонда ўсиш суръатлари ўртача 8,5 фоизни ташкил этгани мана шундай хулосаларга асос бўлмоқда.

Юртингиз эришаётган бундай муваффақиятлар, шубҳасиз, Президент Ислом Каримовнинг пухта иқтисодий сиёсати билан боғлиқ. Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича яратиб берилаётган шарт-шароитлар ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши, экспорт салоҳиятининг ошиши, энг муҳими, иш ўринларининг кўпайишига хизмат қилмоқда.

“Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти” мавзуидаги халқаро конференцияда иштирок этиб, “ўзбек модели”нинг амалий самаралари ҳақида янада кўпроқ маълумотга эга бўлиш ниятидаман.

**«Халқ сўзи» мухбири
Шавкат ОРТИҚОВ
ёзиб олди.**

# Технологик янгиланишнинг беқиёс самараси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мазкур корхонага 2002 йилда асос солинган бўлиб, дастлаб 15 кишилик кичик жамоа томонидан 8-10 турдаги дори воситалари ишлаб чиқарилар эди. Давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 19 ноябрдаги “2011 йилгача бўлган даврда фармацевтика тармоғи корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида”ги қарори ушбу корхона ривожида янги босқични бошлаб берди.



Гап шундаки, қарорга мувофиқ, хориждан энг замонавий технологик линиялар келтирилиб, кенг кўламли модернизациялаш ишлари амалга оширилди. Бу инъекцион ва инфузион эритмалар, стериал антибиотиклар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда қўл келди. Энг асосийси, 120 иш ўрни очилиб, асосан, ёшлар ишга жалб этилди.

Айни пайтда бу ерда меҳнат қилаётган ишчи-ходимлар сони 320 нафардан иборат. Улар томонидан 35 та фармакотерапевтик гуруҳга кирувчи 107 хилдаги дори воситаси тайёрланаяпти. Шундан 70 хили импорт ўрнини босувчи препаратлардир.

— Давлатимиз томонидан биз, тадбиркорларга зарур ускуна ва бутловчи қисмлар, хом ашё ва қўшимча компонентлар сотиб олишда солиқ ва божхона имтиёзлари берилмоқда, — дейди мазкур корхона директори Абдуғафур Каримов. — Шунинг ҳисобига тежаб қолинаётган маблағ, энг аввало, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, янги дори-дармонлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, қўшимча иш жойлари яратишга йўналтирилмоқда. Пировардида ишлаб чиқариш суръати йил сайин ошиб бораяпти. Масалан, 2010 йилда салкам 14 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрланган бўлса, 2012 йилнинг саккиз ойида бу кўрсаткич 14 миллиард 670 миллион сўмликка етказилди.

Корхонада Маҳаллийлаштириш дастури ижроси изчил таъминланаётгани туфайли ўтган қисқа давр ичида кўплаб импорт ўрнини босувчи препаратлар тайёрлаш ўзлаштирилди. Дастур доирасида 2011 йилда қиймати 1,1 миллион АҚШ долларилик инвестициявий лойиҳа рўёбга чиқарилиб, йилига 80 миллион дона ампула тайёрлаш қувватига эга цех ишга туширилди.

Ҳозирги кунда яна бир йирик лойиҳа устида иш олиб борилаяпти. Унинг қиймати 3,3 миллион АҚШ долларига тенг бўлиб, бугунги кунга қадар асосий юмушлар бажарилди. Ҳадемай, дастгоҳларни ўрнатиш ва монтаж қилиш ишлари ҳам якунланади. Янги қуват ишга туширилгач эса 130 та иш ўрни яратилиб, таблетка ишлаб чиқариш ҳажми 5, суюқ дори воситалари ҳажми 2, суртма ва линиментлар тайёрлаш ҳажми эса 3 баробарга ортади.

Республика Фанлар академияси билан мустаҳкам ҳамкорлик йўлга қўйилгани маҳаллий доривор ўсимликлар асосида ички ва ташқи бозорда талаб катта бўлган препаратлар ишлаб чиқариш имконини бераётир. “Radiks” ёрлиғи остида чиқарилаётган вирусларга қарши “ЦелАгрип”, неврология хасталикларида ишлатиладиган “Радалин”, юрак касалликларида қўлланиладиган “Аллапинин”, паразитлардан ҳимояловчи “Фенасал” дори воситалари бунга мисол бўла олади.

Фармацевтика соҳасида ISO 9001:2008 халқаро сифат стандартининг жорий этилиши тизим корхоналарида ишлаб чиқаришнинг сифат жиҳатдан янада яхшиланишига ва экспорт салоҳияти юксалишига хизмат қилади. Шу боис ўтган йили “Radiks” хусусий илмий-ишлаб чиқариш корхонасида ҳам ушбу халқаро стандарт татбиқ қилинди. Зотан, бу мамлакатимиз аҳолисини сифатли, хавфсиз ва самарали дори воситалари билан таъминлаб келаётган корхонанинг ички бозордаги ўрнини тобора мустаҳкамлаб, экспорт салоҳиятини оширишга кенг йўл очаётир.

**Саид РАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.**
**СУРАТЛАРДА:** корхона ҳаётидан лавҳалар.
**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.**

# Банк тизимининг такомиллаштирилиши

## хизматлар сифатининг янада яхшиланишини кафолатлайди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Президентимизнинг 2010 йил 26 ноябрдаги “2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарори эса молия муассасалари фаолиятини жаҳон талабларига мослаштиришда муҳим аҳамият касб этаётир.

Хусусан, мазкур қарорга кўра, ўтган давр ичида тижорат банкларида молиявий ҳисобот ва бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартларнинг янги тавсиялари асосида янада такомиллаштириш кўзда тутилган эди. Шу боис Молия вазирлиги, Марказий банк ҳамда Ўзбекистон банклари ассоциацияси мутахассислари томонидан банк-молия тизимида бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилишнинг навбатдаги босқичини ҳаётга татбиқ этиш бўйича чора-тадбирлар мажмуи ишлаб чиқилди. Ҳозир шу асосда Жаҳон банки билан биргаликда кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. “Банк тизимида молиявий ҳисоботлар ва аудитни такомиллаштириш лойиҳаси” шундай саъй-ҳаракатлар самарасидир.

Ушбу лойиҳа учта бўлимдан иборат бўлиб, у банк тизимида молиявий ҳисоботлар ҳамда аудитнинг халқаро стандартларини тўлиқ жорий этиш, молиявий ҳисоботларга нисбатан қўйиладиган талаблар ва банк назорати бўйича талабларни имкон қадар мослаштириш, банк тизими имкониятларини ўқув-тренинглар орқали мустаҳкамлаш сингари масалаларни қамраб олган.

Бундан ташқари, келгусида молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари ва аудитнинг халқаро стандартлари ўзбек тилига таржима қилиниб, уни меъёрий ҳужжат сифатида қабул қилиш режалаштирилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, тизим мутахассислари меҳнатини енгиллаштириш баробарида, банклар томонидан кўрсатилаётган хизматларни замонавийлаштиришда қўл келиши, шубҳасиз.

Семинарда иштирокчиларга лойиҳанинг шу каби афзалликлари ҳақида батафсил маълумот берилиб, истиқболда бажарилиши лозим бўлган ишлар хусусида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.**

## Дил сўзи

*Маҳалла азалдан миллий қадриятлар, эзгу амаллар маскани бўлиб келган. Айниқса, меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотувлик, эҳтиёжманд, ёрдамга муҳтож кишилар ҳолидан хабар олиш, тўй-томоша, ҳашар ва маъракаларни кўпчилик билан бамаслаҳат ўтказиш каби халқимизга хос урф-одат ҳамда анъаналар шу ерда шаклланган. Кейинги йилларда маҳалланинг ҳаётимизда тутган ўрни янада юксалиб, ваколатлари кўлами кенгаймоқда.*

# Маҳалла – меҳр-оқибат ва аҳиллик маскани

Шубҳасиз, Президентимиз томонидан қабул қилинган “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари меҳнатини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармон бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Зеро, Фармонга биноан, маҳалла фаоллари меҳнати муносиб баҳоланадиган бўлди. Айни чоғда бу фуқаролар йиғинлари раислари, маслаҳатчилари, посбону фаоллар зиммасига юксак масъулият ҳам юклайди.

Қишлоқ фуқаролар йиғинимизда бугунги кунда 58 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти фаолият юритмоқда. Жумладан, 12 киши меҳнат қилаётган “Тошев Баҳром” номли кичик корхонада намунавий лойиҳадаги тураржойлар учун сифатли эшик ва ромлар тайёрланмоқда. Бунёд Шоназаров раҳбарлигидаги “Электроавтомат” хусусий корхонасида эса генератор ва электр асбоблар таъмирланмоқда. Бу ерда ишлаётган 7 нафар кишининг рўзғори бут, турмуши фаровон. Шу кунларда маҳалла гузари қурилиши бошлаб юборилди.

Умуман олганда, қишлоқ фуқаролар йиғинидаги 6 та маҳаллада истиқомат қилаётган 20 мингга яқин аҳолининг аксарияти ҳудудда ташкил этилган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳамда пахтачилик, боғдорчилик ва чорвачиликка ихтисослаштирилган фермер хўжаликларида иш билан банд.

Эътиборлиси шундаки, тадбиркор ва ишбилармонларимиз фуқаролар йиғинлари фаоллари билан ҳамкорликда хайрли ишларга қўл уришмоқда. Жумладан, тажрибали боғбон Носирхон ота Тўрақулов Каттакўл ва Кичиккўл қишлоқларидаги ишламай ётган артезиан қудуқларни таъмирлаб, аҳолини тоза ичимлик сувидан баҳраманд этди. Айни чоғда газ қувурлари тортиб келиб, 800 хонадоннинг табиий газдан фойдаланиши учун шароит яратди. Кўпнинг дуосини олаётган кекса боғбоннинг савобли ишлари бошқа фермерларга ҳам ўрнак бўлмоқда.

Мухтасар айтганда, ҳаётимизда азалий қадрият ва анъаналар бешиги бўлган маҳалланинг ўрни йилдан-йилга ошиб бормоқда. Ана шундай мўътабар масканда меҳнат қилаётганимдан мамнунман. Зеро, ҳаётимдаги кўплаб қувончли воқеалар ҳам бевосита маҳалла билан боғлиқ. Гап шундаки, Ватанимиз Мустақиллигининг 21 йиллик байрами арафасида Президентимиз Фармонига биноан, “Эл-юрт ҳурмати” ордени билан тақдирландим. Бу юксак мукофотни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида меҳнат қилаётган ходимлар, раислар, посбонлар, котибу маслаҳатчиларга давлатимиз раҳбари билдирган юксак ишонч ва эътибор сифатида қабул қилдим. Бунга жавобан халқимизга ҳар ишда камарбаста бўлишга астойдил ҳаракат қиламан.

**Очилди ХИДИРОВ,
Сариосиё туманидаги «Ўзбекистон» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби.**

# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Катта даромад олиниши кутилмоқда

**АҚШда сотувга чиқарилиши мўлжалланаётган янги "iPhone 5" техника воситаси мамлакат ялпи ички маҳсулотига сезиларли даражада фойда келтириши мумкин.**

Бу ҳақда "Рейтер" ахборот агентлиги америкалик таниқли иқтисодчи Майкл Феролининг сўзларига асосланиб хабар тарқатди. Унда таъкидланишича, замонавий ахборот алмашинув воситаси АҚШ ЯИМни 0,5 фоизга ошириб, қисқа муддатда 3,2 миллиард доллар миқдорида даромад келтиради.

Компания тўртинчи чоракда бу турдаги қурилмалардан 8 миллион дона сотишни режалаштирган. Унинг баҳоси 600 долларга тенг.

Айтиш жоизки, бундан аввалги "iPhone 4S" ўтган йилнинг октябрь ойида харидорлар эътиборига ҳавола этилиб, дастлабки уч кундаёқ тўрт миллион дона сотилган эди.

## Авиашоудаги ҳодиса

**Германиянинг Штутгарт шаҳри яқинида уюштирилган иккита авиашоу бахтсиз ҳодиса билан якунланди.**

"Штерн" нашрида ёзилишича, Метцинген шаҳрида ҳавога кўтарилаётган вертолёт техник носозлиги туфайли ерга қулаган. Оқибатда тадбирга томошабин сифатида келган 38 ёшли фуқаро ҳаётдан кўз юмган. Учувчи тан жароҳати олган.

Иккинчи мудҳиш воқеа Бакнанг шаҳридаги авиашоуда юз берди. Бортида тўрт киши бўлган кичик самолёт 30 метр баландликдан ерга қулаб, ёниб кетган. Икки киши қурбон бўлган.

Айни дамда полиция бахтсиз ҳодисалар сабабини ўрганмоқда.

## Ялпи ички маҳсулот ҳажми қисқарди

**Иқтисодий жиҳатдан еврохудудда етакчи саналган давлатлардан бири — Италиянинг ялпи ички маҳсулоти иккинчи чоракда 2,5 фоизга эмас, балки 2,6 фоизга қисқарган.**

"Франс Пресс" ахборот агентлиги хабарида айтилишича, мамлакатда иқтисодий бўҳрон ўтган йилдан кузатила бошланган. Ҳукумат вакиллари вазиятни ижобий ҳал қилиш мақсадида бир нечта халқаро конференция ва йирик тадбирларда қатнашиб, кенг жамоатчилик билан ушбу масалани таҳлил этишаётир.

Агарда вазият тез орада ўнгланмаса, кредиторлар Италияга бериладиган навбатдаги ёрдам пулларининг фоизини оширишлари мумкинлигини билдиришган.

## Мажбурий қарор

**Жаҳондаги йирик компьютер ишлаб чиқарувчи "Hewlett-Packard" (HP) компанияси 29 минг нафар ходими билан меҳнат шартномасини бекор қилди.**

Бундан сал аввалроқ компания молиявий жиҳатдан камомадга учраётганлиги сабабли 27 минг киши ишдан бўшатилишини билдирганди.

Қисқартириш жараёни 2014 йилга қадар амалга оширилади.

## Кон тубида ресторан

**Финляндиянинг Хельсинки шаҳри яқинидаги шахта эндиликда одамлар билан гавжум бўлади.**

Гап шундаки, кон тубида янги ресторан очилди. "Ассошиэйтед Пресс" ахборот агентлиги хабарида келтирилишича, у 80 метр чуқурликда жойлашган бўлиб, сентябрь ойи охиридан мижозларни қабул қила бошлайди.

Ресторанга сарфланадиган пул миқдори ҳам белгилаб қўйилди. Овқатланиш, ичимликлар ва транспорт учун 128 евро кетади. Бу ерда тамадди қилиш мақсадида аллақачон кейинги уч ҳафта учун буюртмалар олинган.

*Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.*

---

**Реклама ва эълонлар**

## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

**I.** Аукцион савдосига Бектемир тумани СИБ томонидан, Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 8 ноябрдаги 10-1115/7955-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, КХАЙ, Фарҳод ва лойиҳадаги Г 30,0 м кўчалари оралиғида жойлашган, биринчи қаватининг умумий майдони — 68,0 кв.м., фойдали майдони — 62,66 кв.м., иккинчи қаватининг умумий майдони — 59 кв.м., фойдали майдони — 54,18 кв.м.дан бўлган икки қаватдан иборат бинонинг бир қисми қўйилмоқда.

*Бошланғич баҳоси — 162 200 000 сўм.*

***Аукцион савдоси 2012 йил 15 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.***

Савдога қўйилган кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (тушлик вақти — 13.00 дан 14.00 гача). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 12 октябрь куни соат 18.00.

**II.** Шунингдек, аукцион савдосига Яккасарой тумани СИБ томонидан, ЖИБ Тошкент вилоят судининг 2011 йил 3 ноябрдаги 2-124/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Shela Ram Textile Trading» ШКга тегишли, Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Сукрот кўчаси, 13-уйда жойлашган, умумий ер майдони 3781 кв.м. бўлган 4 қаватли ертўлали маъмурий бино ва иншоотлар такроран қўйилмоқда.

*Бошланғич баҳоси — 1 786 636 088,10 сўм.*

***Аукцион савдоси 2012 йил 28 сентябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.***

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (тушлик вақти — 13.00 дан 14.00 гача). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 26 сентябрь куни соат 18.00.

